

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОШКАРИШНИ УРГАТИШ




Механик транспорт воситаларини бошқаришни дастлабки ургатиш атрофи тусилган майдончаларда ёки автодромларда утказилиши керак (261-расм).

Йулда бошқаришни ургатишга факат йурикчи иштирокида, урганувчи дастлабки бошқарув малакасини етарлича оширгандагина рухсат берилади. Урганувчи шахс йул харакати коидаларини билиши ва уларга амал килиши шарт.

Бошқаришни ургатаётган йурикчи ургатиш хукукини берувчи гувоҳномага ҳамда 3 йиллик хайдовчилик фаолиятига эга булиши керак (261-расм, “А” ва “Б”).

Автомобилни бошқаришни урганувчи шахснинг ёши 18дан, мотоциклни бошқариш учун эса-16ёшдан кам булмаслиги шарт.



Бошқаришни ургатиш учун мулжалланган механик транспорт воситалари “Бошқаришни ургатиш автомобили” таниклик белгиси (262-расм, “В”) ва йурикчи учун оркани курсатувчи кузгу (262-расм, “Г”) билан жихозланиши керак. Бунга кушимча равишда бошқаришни ургатиш учун мулжалланган автомобилларда йурикчи учун кушимча уловчи (сцепление) ва тухтатиш тепкилари ҳам булиши керак.

Бошқаришни ургатиш йуналишлари Давлат йул харакати хавфсизлиги хизмати билан келишилиши шарт. Бошка йулларда бошқаришни ургатиш таикланади.

